

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

Son 7 Jild 4
2024

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 7 (4) - 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2024

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

Саидов Сарвар Атабулло ўғли – катта илмий ходим, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, илмий тадқиқотлар бўлими.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Саидалохонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Саидова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, “Tashkent International University of Education” халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулов Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тиббиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилевич – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Аҳмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Каюмова Насиба Ашуровна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Карамаддиновна – психология фанлари доктори, доцент,

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).

MUNDARIJA

07.00.00 – TARIX FANLARI

Abduxamidov Islombek

O'ZBEKISTON AHOLISINING ROSSIYA FEDERATSIYASIDA MEHNAT MUHOJIRLIGI TARIXI	10-18
--	-------

Фарманова Гульнара Комилевна

ПОДНЯТИЕ МЕТОДИКИ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ НА ОБЩЕМИРОВОЙ УРОВЕНЬ В СОВРЕМЕННЫХ УСЛОВИЯХ	19-24
---	-------

Индиаминова Шоира Амриддиновна

РАЗВИТИЕ КУЛЬТУРЫ И ИСКУССТВА В САМАРКАНДСКОМ СОГДЕ В ЭПОХУ РАННЕГО СРЕДНЕВЕКОВЬЯ	25-29
--	-------

Mirzakhmdamova Dildora Zafarovna

XOTIN-QIZLAR BANDLIGINI TA'MINLASHDA FARG'ONA VILOYATIDA IPAKCHILK ORQALI KASANACHILIK VA UY MEHNATINI RIVOJLANTIRISH	30-35
--	-------

Ismoilova Parvina

TURKISTON MINTAQASIDAGI INSTITUTSIONAL O'ZGARISHLAR: ROSSIYA KAPITALI UCHUN KANALLARNING SHAKLLANISHI (19-ASR OXIRI - 20-ASR BOSHLARI)	36-41
---	-------

Jomurodov Lazizbek Islomovich

O'ZBEKISTONDA TERI-TANOSIL KASALLIKLARIGA QARSHI KURASH JARAYONI	42-46
---	-------

08.00.00 – IQTISODIYOT FANLARI

Назарова Раъно Рустамовна, Нигматуллаева Гульчехра Нуруллаевна

ОСНОВНЫЕ ФАКТОРЫ, КРИТЕРИИ И ПОКАЗАТЕЛИ, ОБЕСПЕЧИВАЮЩИЕ УСТОЙЧИВОЕ РАЗВИТИЕ В СФЕРЕ ЭНЕРГЕТИЧЕСКОЙ ОТРАСЛИ	47-54
---	-------

Yegamberdiyeva Xurshidaxon Alisherovna

VAGONLARDAN FOYDALANISHNING SIFAT KO'RSATKICHINI OSHIRISHNI TADQIQ QILISH	55-61
--	-------

Mamadaliyev Ulug'bek

JAHON TURIZMIDA TUROPERATORLIK FAOLIYATINING RIVOJLANISH HOLATI	62-69
---	-------

Jalilov Arslon Xoshimovich

TEMIR YO'L TRANSPORTINING INNOVASION MUHITDAGI RAQOBATDOSHLIK DARAJASINI BAHOLASH	70-75
--	-------

Kamchibekov Farxod Olimjonovich

O'ZBEKISTON HUDUDLARINING INVESTITSION JOZIBADORLIGINI OSHIRISHDA MAXSUS IQTISODIY HUDUDLAR VA KICHIK SANOAT ZONALARINING ROLI	76-82
---	-------

09.00.00 – FALSAFA FANLARI

Djurayev Lukmon Narzullaevich

ZAMONAVIY O'ZBEKISTON JAMIYATIDA YOSHLAR IQTISODIY MADANIYATINING TRANSFORMATSIYALASHUVI	83-87
---	-------

Norkulov Ubaydulla Umarovich

MAHALLADA JINOYATLARNI ERTA ANIQLASHDA JAMOATCHILIK NAZORATINI

KUCHAYTIRISHNING IJTIMOIIY-FALSAFIY MEKANIZMLARI 88-92

Пулатов Шердор Нематёнович

ДОКТРИНА ЛЮБВИ АЛИШЕРА НАВАИ И МАХАТМЫ ГАНДИ 93-105

Yusupov Murodali Sunnatovich

O'ZBEKISTON QISHLOQ XO'JALIGIDA INNOVATSION TIZIMLARNI QO'LLASHNING IJTIMOIIY-

FALSAFIY MASALALARI 106-110

Suleymanov Sarvar Sunatullayevich

O'ZBEKISTONNING YANGI DAVRGA XOS BO'LGAN MA'NAVIY TEXNOLOGIYALARNING

IJTIMOIIY-FALSAFIY ASOSLARI 111-116

Shernazarov Ravshan Avazovich

SIYOSIY E'TIQOD: UNING TIZIMI VA FUNKSIYASINING FALSAFIY TAHLILI 117-122

Nasrullayev Ravshanxon Sirojxonovich

VATANPARVARLIKNI IJTIMOIIY- MADANIY HODISA SIFATIDA AHAMIYATI..... 123-126

10.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI

Matkarimova Salomat Ko'ziyevna

ALISHER NAVOIY VA HAYDAR XORAZMIY: MUSHTARAKLIK VA O'ZIGA XOSLIK 127-133

Tairova Maxfuza Abdusattorovna

INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDAGI MAMLUKATSHUNOSLIKKA DOIR RAMZIY VOSITALARNING

TARJIMADA QAYTA IFODALANISHI 134-139

Rahimova Maftuna

LISONIY BELGI VA ASSOTSIATSIYA 140-143

Umaraliyeva Dildora Taxirjanovna

O'ZBEK LATIFALARI, ULARNING TASNIFI VA TO'PLASH BORASIDA OLIB BORILGAN

TADQIQOTLAR 144-147

Xursanov Nurislom Iskandarovich

O'ZBEK FRAZELOGIK BIRLIKLARINING PRAGMATIK TAHLILI 148-154

Umarov Umidjon Akram o'g'li

RAMZ AXRETIPLARINING TASNIFLANISHI VA BADIY TAHLILI 155-159

Облокулова Шахло Асрор қизи

ЗАМОНАВИЙ ЖАҲОН АДАБИЁТИДА ТАОМ ДИСКУРСИ 160-164

Nazarova Lola Maqsadilla qizi

KORPUS LINGVISTIKASI: BNC KORPUSINING FUNKSIONAL XUSUSIYATLARI 165-170

Umarxonova Dilafruz Murotjonovna

"MARDLIK" VA "QO'RQOQLIK" KONSEPTLARINING AKSIOLINGVISTIK TAHLILI 171-175

Yunusova Ganjina Rustamovna

NAZMDA YO'L XRONOTOPINING BADIY-ESTETIK XUSUSIYATLARI 176-180

Мусаев Файзулло Оманович

АРАБ ДУНЁСИДА "МАСАЛ" ИЛМИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖИ 181-186

<i>Ubaydullayeva Dilafruz Fazliddinova</i> INGLIZ VA O'ZBEK TILIDAGI "ANGER" VA "G'AZAB" ATAMALARINING ETIMOLOGIK VA LESIKOGRAFIK TAHLILI	187-192
<i>Narmuratov Zayniddin Radjabovich</i> FRAZEOLIK BIRLIKLAR KOMPONENTLARI TAHLILI VA ULARNING STRUKTURAVIY MODELLARI	193-196
<i>Masharipova Nargiza Otaxonovna</i> TARIXIY-BADIIY ASARLAR TARJIMASIDA DINIY VA TARIXIY SO'ZLAR TARJIMASI MUAMMOSI	197-201
<i>Икромов Нугина Ойбековна</i> ПСИХОЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ТРУДНОСТИ ПЕРЕВОДА ЗАГЛАВИЯ ЛИТЕРАТУРНОГО ПРОИЗВЕДЕНИЯ	202-207
<i>Najmiddinova Mehriqul Najmiddin qizi</i> NEGATIVLIKNI IFODALOVCHI TEXNIKAGA OID TERMINLARNING QIYOSIY TADQIQI (INGLIZ VA O'ZBEK TILLARI MISOLIDA)	208-213
<i>Eshniyazova Maysara Beknazarovna</i> "NAZMUL JAVOHIR" ASARIDA G'OYAVIY BADIIY POETIKA	214-221
12.00.00 – YURIDIK FANLAR	
<i>Саидов Акроб Акмалович</i> ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ СИЁСАТИ ҲАМДА УНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	222-230
<i>Raimova Nargiza Doroyevna</i> TIJORAT MAXFIY MA'LUMOTLARINI HIMOYA QILISH: INTELLEKTUAL MULK HUQUQI SOHASIDAGI QONUNCHILIKNI TAKOMILLASHTIRISH ISTIQBOLLARI	231-237
<i>Умурзаков Жасурбек Қосимжанович</i> КРИПТО-АКТИВЛАР НОҚОНУНИЙ АЙЛАНМАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	238-242
<i>Nurmamatova Noila Doniyorovna</i> KONSTITUTSIYAVIY SUDLOV ORGANI TOMONIDAN FUQAROLAR VA YURIDIK SHAXSLARNING SHIKOYATINI KO'RIB CHIQISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	243-248
<i>Muxammadjonov Jasurbek Jaxongir o'g'li</i> FUQAROLARNING TADBIRKORLIK BILAN SHUG'ULLANISH HUQUQINING XALQARO VA MINTAQAVIY HUQUQIY KAFOLATLARI	249-260
<i>Адилбаев Бекбосын Абатбаевич</i> ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ВАКИЛЛИК ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	261-267
<i>Турсунбоев Сардор Муроджон ўғли</i> ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДА ТЕРГОВ ТУЗИЛМАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	268-275
<i>Mukumov Bobur</i> O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VA GERMANIYA FEDERATIV RESPUBLIKASIDA TOVAR BELGILARINI HUQUQIY MUHOFAZA QILISH MASALALARI	276-282
<i>Nabiev Firuz Xamidovich</i> INTELLEKTUAL MULK SOHASIDAGI XALQARO HUQUQIY NORMLARNI O'ZBEKISTON	

RESPUBLIKASI QONUNCHILIGIGA IMPLEMENTATSIYA QILISHDA “MOSLASHUVCHANLIK” KONTSEPTSIYASINING O'RNI	283-289
---	---------

Калимбетов Ерназар

ГРАЖДАНСКИЕ ПРАВА В СФЕРЕ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА: ПОНЯТИЕ, ВИДЫ И СОДЕРЖАНИЕ В КОНТЕКСТЕ АДМИНИСТРАТИВНО-ПРАВОВОЙ ЗАЩИТЫ	290-297
--	---------

Ibrohimov Azimjon Abdumot'min o'g'li

KORPORATSIYANI AMALDA BOSHQARUVCHI SHAXSLAR JAVOBGARLIGI	298-306
--	---------

Ходжаева Ширин

ТЕОРЕТИКО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ РИСКОВ, СВЯЗАННЫХ С ПРЕДДОГОВОРНЫМИ ОТНОШЕНИЯМИ	307-317
--	---------

Маматкулов Камолiddин Галабаевич

ТАҚИҚЛАНГАН ЭКИНЛАРНИ ЕТИШТИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ИСБОТЛАНУВЧИ ҲОЛАТЛАР ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ	318-323
---	---------

13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI

Nazarova Ra'no Sidiq qizi

HUQUQBUZARLIKKA MOYIL BO'LGAN BOLALARDA O'Z-O'ZINI NAZORAT QILISH KO'NIKMASINI SHAKLLANTIRISHNING NAZARIY ASOSLARI	324-329
---	---------

Fayzullayeva Gulchexra Sharipboyevna

UMUMIY O'RTA TA'LIM MAKTAB O'QITUVCHISI KASB STANDARTINING MAZMUN TAHLILI	330-341
--	---------

Hamidova Laylo Kamildjonovna

OLIY PEDAGOGIK TA'LIMDA ARALASH O'QITISH MODELLARIDAN FOYDALANISHNING AFZALLIKLARI	342-346
---	---------

Ajiniyazova Sholpan Saparniyazovna, Uteniyazov Karimbay Kuanishbaevich

MAKTABDA KIMYOVIY MASALALARNI ECHISH BO'YICHA MASHG'ULOTLARNI TASHKIL ETISH SHAKILLARI	347-357
---	---------

Rasulova Dilafruzxon Sharobiddin qizi

GLOBAL PEDAGOGIK SAVODXONLIKNI RIVOJLANTIRISHDA TALABALAR KOMPETENSIYASIGA METODIK YONDASHUVLAR	358-363
--	---------

Kenjaboyev Sharifjon Shuxrat o'g'li

INDIVIDUAL-KABIY RIVOJLANISH – PEDAGOGIK KASBI TARBIYASINING AJRALMAS QISMI SIFATIDA	364-369
---	---------

Jalilov Umidjon Jahongirovich

OG'IR ATLETIKA MASHQLARINING AMALGA OSHIRISH USLUBIYATI	370-375
---	---------

Najmiddinova Gulnora Najmiddin qizi

OLIY TA'LIM TIZIMIDA SUN'IY INTELLEKT TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH MEXANIZMLARI	376-381
--	---------

12.00.00-YURIDIK FANLAR – LAW

Received: 30 June 2024

Accepted: 5 July 2024

Published: 15 July 2024

Article / Original Paper

**CRIMINAL PRINCIPAL POLICY OF THE NEW UZBEKISTAN AND ITS
THEORETICAL BASICS**

Saidov Akrom Akmalovich,

Doctor of Philosophy (PhD) in Law, Deputy Head of the Special Faculty of the University of Public Security of the Republic of Uzbekistan

Abstract. In this article, the author analyzes the penal policy of New Uzbekistan and its state, patterns and historical development trends, including the originality of this legislation, directions for further development, and the author deeply analyzed the processes of adoption and improvement of the Criminal Executive Code. At the same time, the author analyzed developments related to the practical side of the execution of punishment and has now developed theoretical and practical recommendations that can be tested.

Key words: New Uzbekistan, Constitution, Code, reform, comparative studies, penitentiary system, strategy, body, index, legislation, rule of law, punishment, crime, colony, regime.

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ СИЁСАТИ ҲАМДА УНИНГ
НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

Саидов Акром Акмалович,

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), ЎЗР Жамоат хавфсизлиги университети, махсус факультет бошлиғи ўринбосари

Аннотация. Мазкур мақолада муаллиф Янги Ўзбекистоннинг жазони ижро этиш билан сиёсатининг ҳозирги ҳолати, қонуниятлари ва тенденциялари тарихини таҳлиб этиб, ҳозирда амалда бўлган қонунчиликнинг ўзига ҳос хусусиятлари, уни ривожлантириш йўналишлари ҳамда Жиноят-ижроия кодекснинг қабул қилиниши ҳамда ривожланиши билан боғлиқ жараёнларни чуқур тадқиқ этади. Шу билан бирга жазони ижро этиш амалиётига тааллуқли бўлган ишланмаларни таҳлилий ўрганиб, ҳозирда қўлланилиши мумкин бўлган назарий ва амалий таклифларни келтиради.

Калит сўзлар: Янги Ўзбекистон, Конституция, Кодекс, ислохот, компаративистика, пенитенциар тизим, стратегия, орган, индекс, қонунчилик, қонун устиворлиги, жазо, жиноят, колония, режим

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I7Y2024N36>

Инсоният цивилизациясининг ҳозирги замондаги ривожланиш тенденциялари бутун дунё миқёсида жиноят-ижроия сиёсатни либераллаштириш, озодликдан махрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни кенгроқ қўллаш орқали озодликдан махрум қилиш жойларида сақланаётган маҳкумлар сонини камайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги билан ҳам изоҳланади.

Мамлакатимизда жиноят-ижроия тизимини ислоҳ қилиш ва уни халқаро стандартларга мослаштириш, умумэътироф этилган халқаро стандартларга мос

равишда маҳкумлар ҳуқуқлари доирасини янада кенгайтириш, жиноий жазоларнинг ижросини таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да “маҳкумлар ва жазони ўтаб бўлган шахсларнинг меҳнат, ижтимоий таъминот ва халқаро эътироф этилган бошқа ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий мослашуви ва жамиятга реинтеграциясига кўмаклашишнинг самарали механизмларини жорий этиш, ушбу йўналишда давлат ва жамият институтларининг биргаликдаги фаолиятини йўлга қўйиш”[1]устувор йўналиш сифатида белгиланганлиги, ушбу соҳани илмий тадқиқ этиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Ҳар бир давлатнинг сиёсати миллий ҳуқуқий тизимни ҳамда турли қонунчилик соҳаларини шакллантириш ва ривожлантиришга жиддий таъсир кўрсатади. Бу сиёсат жамият ўз олдида қўйган ижтимоий мақсадларнинг принциплари, стратегияси, асосий йўналишлари ва бу мақсадга эришиш шакллари қарор топтиради. Ўзбекистон Республикасининг Янги таҳрирдаги Конституциясининг Муқаддимасида стратегик вазифа – “инсон ҳуқуқ ва эркинликларига, миллий ва умуминсоний қадриятларга, давлат суверенитети принципларига содиқлигимизни тантанали равишда эълон қилиб,... фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришини, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни, кўп миллатли жонажон Ўзбекистонимизнинг фаровонлигини ва гуллаб-яшнашини таъминлашни мақсад қилган ҳолда, ушбу Конституцияни қабул қиламиз”, [2] деб эълон қилинган.

Бундан инсон муносиб турмуш кечириши ва эркин ривожланиши шарт-шароитларини яратиш, шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш вазифаси келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев қайд этганидек, “Бу борадаги мавжуд қонунчиликни либераллаштириш йўлида ташланган дадил қадамларимизнинг далили сифатида яқинда Жиноят кодексининг оммавий ахборот воситалари орқали “туҳмат” ва “ҳақорат қилиш” каби моддалари бўйича озодликдан маҳрум қилиш шаклидаги жазо чоралари бекор қилинганини мисол сифатида келтириш мумкин” [3, Б.119] Ушбу сўзлар жиноят-ижроия қонунчилигини либераллаштиришга ҳам тўла тааллуқлидир.

Мамлакатимизда жазони ижро этиш сиёсатининг назарий асосларини кўриб чиқиш муҳим ва катта аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий ҳужжатлардан бошлашни талаб қилади. Шу муносабат билан қуйидаги ҳужжатларга эътиборни қаратишни лозим топдик:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси тўғрисида”ги 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон Фармонидаги 14-мақсад: Қонун устуворлиги ва конституциявий қонунийликни таъминлаш ҳамда инсон қадрини ушбу жараённинг бош мезони сифатида белгилаш.

Иккинчидан, маҳкумлар ва жазони ўтаб бўлган шахсларнинг меҳнат, ижтимоий таъминот ва халқаро эътироф этилган бошқа ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий мослашуви ва жамиятга реинтеграциясига кўмаклашишнинг самарали

механизмларини жорий этиш, ушбу йўналишда давлат ва жамият институтларининг биргаликдаги фаолиятини йўлга қўйиш.

Учинчидан, фуқароларга ҳуқуқий таъсир кўрсатиш, шу жумладан ҳаракатланиш эркинлигини чеклаш билан боғлиқ чораларни қўллашда қонунийликни сўзсиз таъминлаш ҳамда рақамли технологияларни жорий этиш орқали жамоатчилик назоратини кучайтириш.

Тўртинчидан, фуқароларни яшаш жойи бўйича ҳисобга олиш тизимини янада соддалаштириш ва аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш, ушбу йўналишда бошланган ислохотларни якунига етказиш.

Бешинчидан, жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят ижроия қонунчилигини такомиллаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тизимига инсонпарварлик тамойилини кенг жорий этиш.

Олтинчидан, қийноқларнинг олдини олиш бўйича превентив механизмларни такомиллаштириш ва ушбу йўналишда махсус қонун қабул қилиш.

Еттинчидан, ювенал адлия тизимини шакллантириш ҳамда бола ҳуқуқлари қонунчилигини кодификациялаш” [4]- талабларидан иборат.

Худди шу фикрлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан 2023 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон — 2030» Стратегиясида ҳам мавжуд.

Бундан ташқари, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддаси иккинчи қисмида: “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси тақиқланади”, 26-моддаси иккинчи қисмида: “Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас”, 28-моддаси бешинчи қисмида: “Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас”, 29-моддаси бешинчи қисмида: “Жиноят учун ҳукм қилинган ҳар ким қонунда белгиланган тартибда ҳукмнинг юқори турувчи суд томонидан қайта кўриб чиқилиши ҳуқуқига, шунингдек афв этиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга”, 30-моддаси биринчи қисмида: “Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас”, 32-моддаси биринчи қисмида: “Қонуний асосларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиб турган ҳар ким мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқига эга, бундан қонунда белгиланган чекловлар мустасно” (Ўзбекистон Республикасининг «Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида»ги Қонуни мазкур чекловлар билан боғлиқ), 44-моддасида: “Суд қарори билан тайинланган жазони ижро этиш тартибидан ёхуд қонунда назарда тутилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади” (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 46, 82¹, 83-моддалари, 88-моддаси биринчи қисмининг «б» бандида мазкур талабларни бажармаган ва жиноятлар содир қилганлари учун жазолар ҳам белгиланган),-деган талаблар ҳам конституциявий кафолатлар мақомида жазони ижро этиш сиёсатининг ҳуқуқий пойдеворини ташкил қилади, десак адашмаймиз [5].

Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жиноят-ижроия сиёсатининг назарий асослари бўйича қисқача тарихий экскурс қилиш мақсадга мувофиқ, чунки жазони ижро этиш масаласи ўзининг бошланғич тарихий илдизлари билан узоқ даврларга бориб тақалади.

Ҳозирги даврда эса, Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотлар йўли бу тарих синовидан ўтган хуқуқий ва маънавий қадриятларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилаётган жараёнлар – биз учун энг устувор ва тўғри йўл эканлигини ҳеч ким инкор эта олмайди.

Мамлакатимизни ривожлантириш бўйича стратегик мақсадларни маваффақиятли равишда амалга оширишимиз учун жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси ҳар куни изланишда, мутахассислар ва тегишли давлат органлари ходимлари эса юртимиз ва хориждаги илғор тажрибаларни чуқур ўрганиб, кундалик ҳаёт, касбий фаолият ҳамда ишлаш методикасини тараққий этишга, сийқаллаштиришга ва такомиллаштиришга ҳаракат қилишлари талаб этилади.

Инсон қадрини эъзозлайдиган, адолатли ва инсонпарвар давлатнинг энг муҳим хусусияти, аввало, халваро ҳуқуқнинг ушбу йўналишидаги қадриятларни иложи борида ўз қонунчилигига имплементация қилиб, инсон қадр ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш борасида, хусусан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар, маҳкумларнинг ҳам тегишли ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаб беришдир.

Юқоридаги фикрлар миллий даражада жиноят-ижроия соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, уни замон талабларига мослаштириш ҳамда либераллаштиришни кўзда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев алоҳида қайд этганидек, “Бу борадаги мавжуд қонунчиликни либераллаштириш йўлида ташланган дадил қадамларимизнинг далили сифатида яқинда Жиноят кодексининг оммавий ахборот воситалари орқали “туҳмат” ва “ҳақорат қилиш” каби моддалари бўйича озодликдан маҳрум қилиш шаклидаги жазо чоралари бекор қилинганини мисол сифатида келтириш мумкин” [6, Б.119]. Ушбу сўзлар жиноят-ижроия қонунчилигини либераллаштиришга ҳам тўла тааллуқлидир.

Профессор Ю.С.Пулатовнинг таъкидлашича, “жиноят-ижроия сиёсатининг асослари қандай шаклланганлиги масаласини баён қилишга киришишдан олдин “сиёсат” тушунчасига тўхталиб ўтиш керак” [7, Б.11]. “Сиёсат” атамаси лотинча “давлатни бошқариш санъати” деган маънони англатади. XI асрда яшаб ижод қилган олим ва давлат арбоби Низомулмулк ўзининг машҳур “Сиёсатнома” китобида “сиёсат” сўзини давлатни бошқариш, ижтимоий ишларни ташкил қилиш маҳорати деб ёзган [8]. Алишер Навоийнинг замондоши бўлмиш Ҳусайн Кошифий “сиёсат давлатни бошқаради (тартибга солади): агар сиёсат бўлмаса, давлат ишларига зарар етади,” [9, Б.112-113] – деган.

Ҳар бир давлатнинг сиёсати миллий ҳуқуқий тизимни ҳамда турли қонунчилик соҳаларини шакллантириш ва ривожлантиришга жиддий таъсир кўрсатади. Бу сиёсат жамият ўз олдида қўйган ижтимоий мақсадларнинг принциплари, стратегияси, асосий йўналишлари ва бу мақсадга эришиш шакллари қарор топтиради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасида – “Ўзбекистон — бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий

ва дунёвий давлат”, [10] - деб эълон қилинган. Бундан инсон муносиб турмуш кечириши ва эркин ривожланиши шарт-шароитларини яратиш, шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш вазифаси келиб чиқади.

Сиёсат давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларида намоён бўлар экан, бу соҳаларда ўзига хос таъсир кучига, таъсир этиш шакл ва усуллариغا эгадир [11, Б.7-24]. Бевосита шу маънода ташқи ва ички сиёсат, иқтисодий, миллий, ҳарбий, маданий ва ҳуқуқий сиёсат ҳақида гап боради [12, Б.109-111].

Шу муносабат билан, фикримизча, ички ва ташқи соҳалардаги ягона сиёсат ҳамда давлат ва жамият ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий, миллий, ҳарбий, маданий ва ҳуқуқий соҳаларидаги сиёсат тўғрисида гапириш аниқроқ бўлур эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига мувофиқ Президент давлатни ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб беради [13]. Давлат ички сиёсатининг таркибий қисмларидан бири – бу ҳуқуқий сиёсатдир.

Президентимиз мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида чуқур ислоҳ этиш ва эркинлаштириш бўйича янги концепцияни олға сурди ва изчиллик билан ҳаётга тадбиқ қилишда ўрнатилган бўлмоқда. Натижада ҳуқуқий сиёсат Ўзбекистон давлати ички сиёсатининг устувор йўналишига айланган.

Бундан ташқари, мамлакатимизда жиноят-ҳуқуқий соҳани либераллаштириш борасидаги ислохотларнинг ташаббускори ҳам юртбошимиздир. “Маҳкумлар ҳуқуқларини таъминлайдиган қўшимча механизмлар яратишни ҳисобга олган ҳолда, жиноят-ижро қонунчилигини янада такомиллаштириш” ҳамда “Жазони ижро этиш муассасалари тизимини танқидий ўрганиш ва тубдан такомиллаштириш доирасида 2018-2022 йилларда тегишли чора-тадбирлар дастурини қабул қилиш” [14, Б.107], керак деган эди давлатимиз раҳбари.

Ҳабарингиз борки, маҳкумлар Жиноят-ижроия кодекси (ЖИК) ва бошқа қонунларда белгиланган истисно ҳамда чеклашлар инобатга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун назарда тутилган ҳуқуқлар, эркинликларга эга бўладилар ва мажбуриятларни бажарадилар. Озодликдан маҳрум этилган ҳорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган ҳуқуқлар ва эркинликларга эга бўлишлари ва мажбуриятларни бажаришлари мумкин.

Амалдаги қонунчиликка асосан маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари муайян **жазо турини ижро этиш тартиби** ва шартларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 8-моддасига мувофиқ, маҳкумлар қонунда белгиланган истиснолар ва чеклашларсиз, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун кўзда тутилган ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятларга эгадирлар [15].

Амалдаги қонунларга мувофиқ, маҳкумлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

жазони ўташ тартиби ва шартлари, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида маълумот олиш;

ўз она тилида ёки бошқа тилда, муассаса маъмуриятига ёки жазони ижро етувчи органга, бошқа давлат органларига ва жамоат бирлашмаларига таклиф, ариза ва шикоят билан мурожаат қилиш;

тушунтиришлар ва ёзишмалар бериш, зарур бўлса, таржимон хизматидан фойдаланиш;

ўқув, бадий ва бошқа ахборот материалларидан фойдаланиш;

соғлиқни сақлаш, шу жумладан тиббий хулосага боғлиқ ҳолда амбулатория ва стационар шароитда тиббий ёрдам олиш;

жисмоний машқлар билан шуғулланиш;

Судланган чет эл фуқаролари, шунингдек, ўз давлатларининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари билан, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида дипломатик ва консуллик муассасаларига ега бўлмаган давлатлар фуқаролари ўзларининг манфаатларини ҳимоя қилишни ўз зиммаларига олган давлатнинг дипломатик ваколатхоналари билан алоқа қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган, унча оғир бўлмаган ижтимоий хавфи ва унча оғир бўлмаган жинояти учун маҳкум бўлганлар сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Озодликдан маҳрум этилган шахслар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вакилга мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вакилнинг тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги жавоби кўриб чиқилмайди ва дарҳол мурожаат этувчига етказилади.

Эътиборингизни яна бир масалага қаратмоқчимиз. Яъни, маҳкумлар ҳуқуқларини таъминлашнинг қўшимча механизмларини жорий этиш, пенитенциар тизимда халқаро стандартларни кенг жорий этиш мақсадида 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси тасдиқланган эди [16].

Жумладан, Концепцияда жиноят-ижроия қонунчилиги нормаларини унификация қилиш, тизимлаштириш ва уйғунлаштириш; маҳкумлар ҳуқуқларига сўзсиз риоя этилишини, уларнинг шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилинишини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги механизмларини жорий этиш, маҳкумлар онгида қонунга итоаткор хулқ-атвори, инсонга, меҳнатга, ижтимоий турмуш қоидалари ва анъаналарига ҳурмат муносабатини шакллантириш тизимини такомиллаштириш, умумэътироф этилган халқаро стандартларга мос равишда маҳкумлар ҳуқуқлари доирасини янада кенгайтириш, маҳкумлар, биринчи навбатда, вояга етмаганлар ва ёшларнинг таълим олиши, касбий тайёргарлигини ташкил этиш ҳамда бандлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш механизмларини тубдан қайта кўриб чиқиш, шартли ҳукм қилинган ва жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларнинг хулқ-атвори устидан назорат самарадорлигини ошириш, жазони ижро этиш муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, уларнинг

озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод этилган шахсларни ижтимоий мослаштиришда фуқаролик жамияти институтлари билан узвий ҳамкорлигини таъминлаш белгиланган эди.

Бу каби амалга оширилган ислохотлар пенитенциар тизимнинг инсонпарварлик ришталари билан мустаҳкамлаб, фуқароларнинг адолатга, одил судловга бўлган ишончи мустаҳкамлади, десак муболаға бўлмайди.

Жиноят-ижроия сиёсати жиноят сиёсати билан чамбарчас боғлиқдир. Жиноят сиёсати жиноятчиликка жиноят-ҳуқуқий таъсир кўрсатиш чораларини белгилайди. Давлатнинг жазони ижро этиш соҳасидаги сиёсатининг моҳияти жиноят сиёсатининг мазмунига нисбатан торроқдир.

Жиноят-ижроия сиёсати асосан жиноий жазони ижро этишни тартибга соладиган ҳуқуқ соҳасида намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг турли моддаларида (масалан, 1,2,3) жазони ижро этиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий қоидаларини мустаҳкамлаб қўйилган [17, Б.31-124].

Профессор Ю.С.Пулатов “жиноят-ижроия сиёсати давлат ягона сиёсатининг бир қисми, давлат ва жамоат ташкилотларининг жазони ижро этиш соҳасидаги фаолияти йўналиши, бу фаолиятнинг шакли, вазифалари ва мазмунини белгилаб беришдир” [18, Б.11]– деб таъкидлайди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, жазони ижро этиш соҳасидаги назарий масалалар қуйидагилардан иборат:

биринчидан, мазкур мақолада Жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштириш уни либераллаштирилиши билан узвий боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон-2030” Стратегияси тўғрисидаги 2023 йил 11 сентябрдаги №ПФ-158-сон Фармони[19]билан тасдиқланган “Конституция ва қонунларнинг устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашни суд-ҳуқуқ ислохотларининг бош мезонига айлантириш” мақсадининг 2030 йилга бориб “озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш амалиётини 30 фоиздан 20 фоизга тушириш” вазифаларини амалга ошириш билан боғлиқ йўналишлар ҳамда воситалар келтирилган;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Одил судлов фаолиятини амалга оширишни самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2024 йил 16 январдаги №ПФ-12-сон Фармонига [20] биноан «Суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш бошқармасини» сўзлари «Одил судлов соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш департаментини» сўзлари билан алмаштирилсин, ўзга сўзлар билан айтганда қонунчиликни таҳлили энди Одил судлов соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш департаменти томонидан амалга оширилиши, хусусан, жиноят-ижроия соҳасида ҳам мазкур қонунчиликни ривож топишида унинг таҳлили энг муҳим эътиборда бўлиши исботлаб берилган;

учинчидан, Жиноят-ижроия қонунчилигига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар сифатида жамиятимизда ҳавотирли равишда рецидив жиноятчиликнинг тобора авж олиши кузатилаётганлигини ҳисобга олиб, мазкур ҳолат жиноят-ижроия қонунчилигини амалда унинг мақсадлари асосида татбиқ этилишига жиддий тўсқинлик қилаётганлиги исботланмоқда (масалан, агарда 2021 йили 8,7 минг нафар

муқаддам судланганлар қайта жиноят содир этган бўлган бўлсалар, 2022 йили эса мазкур кўрсаткич 11,4 минг нафар судланганлар[21] томонидан қайта жиноятни содир этилиши рецидив жиноятчилик 131,03% ошганлигидан далолат бермоқда);

тўртинчидан, озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг манфаатларини таъминлаш нуқтаи назаридан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида қайд этилган унча оғир бўлмаган барча жиноятлар рўйхати асосида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси 66¹-моддасида акс эттириб, жазони ижро этиш жойларида махсус пенитенциар ишлар бўйича судьялар таркибини тузиб, уларга айнан шу моддалар билан жазога судланган шахсларни жабрланувчилар ўртасидаги ярашув муносабатларини ривожлантириш билан боғлиқ ишларни топшириш ҳамда озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ишларни олиб бориш ваколатларини бериш, бунда енгилроқ жазо чораларини жазони ўтаётган маҳкумни жазо муддати тугашидан аввал озодликка чиқиши билан боғлиқ ижобий натижаларни кўпайтириш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/5841063>
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Мазкур янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган.// Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон
3. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси [Матн]/ Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент: “O‘zbekiston” нашириёти, 2021. – Б.119.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси тўғрисида”ги 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон Фармони//Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон; 10.02.2023 й., 06/23/21/0085-сон
5. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Мазкур янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган// Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон
6. Мирзиёев Ш.М., Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. 2-нашр – Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2022. – Б.119.
7. Жиноят-ижроия ҳуқуқи: Маърузалар курси / Масъул муҳаррир Ю.С.Пулатов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тошкент Олий харбий техник билим юрти, 2010. – Б. 11.
8. Низомулмулк. Сиёсатнома. – Т.: “Адолат”, 1998.
9. Лутфуллаев Х.М. Кошифий қаламига мансуб тафсирлар // Тарихий манбашунослик муаммолари. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Т.: Университет, 2003. – 112-115 бетлар.
10. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Мазкур янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган.// Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон

11. Таджиханов Б.У. Ҳуқуқий сиёсат ва ҳуқуқий тизимни модернизациялаш / Маъсул муҳаррир Одилқориев Х.Т – Т.: Академия, 2007.- Б.7-24.
12. Ражабова М. Ҳуқуқий сиёсат ва ҳуқуқий тизимни янада такомиллаштириш хусусида // Фалсафа ва ҳуқуқ, 2008. №1. – Б. 109-111.
13. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Мазкур янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган.// Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.
14. Мирзиёев Ш.М., Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2018. – Б. 107.
15. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси //lex.uz
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 11 ноябрдаги ПҚ – 4006 қарорига 3 – илова//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.11.2018 й., 07/18/4006/2166-сон, 13.12.2018 й., 06/18/5597/2300-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон, 15.04.2022 й., 07/22/207/0310-сон.
17. Ўзбекистон Республикасининг кодекслари тўплами [2021 йил 15 майгача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан] Биринчи жилд.- Тошкент: «Yuridik adabiyotlar Publish», 2021.-744 б. (31-124 бетлар).
18. Жиноят-ижроия ҳуқуқи: Маърузалар курси / Масъул муҳаррир Ю.С.Пулатов. – Т.: Ўзбекистон
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон-2030” Стратегияси тўғрисидаги 2023 йил 11 сентябрдаги №ПФ-158-сон Фармони// Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон; 29.12.2023 й., 06/23/214/0984-сон.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Одил судлов фаолиятини амалга оширишни самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2024 йил 16 январдаги №ПФ-12-сон Фармони// Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.01.2023 й., 06/23/12/0034-сон
21. Давлат статистика Агентлигининг маълумотларидан олинган.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 7 (4) – 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари**” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).